Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● № 102 (20.369) ● 1989 йил 30 апрель, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

1 Майга меҳнат совғалари

● ЗАДАРЕ. «Гулбоғ» совхози меҳнаткашлари кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда. Хўжаликнинг Ё. Маматқулов бошлиқ бригадаси деҳқонлари чигит экишни ниҳоясига етказдилар. Барака уруғи қадаш қулай муддатда, сифатли ўтказилди. Механизатор Б. Ўринов, сеялкачи Э. Тўраев кунига 10—12 гектар майдонга чигит экишди. Бригада аъзоларининг асосий мақсади — мавжуд 117 гектардаги уруғни бехато ундириб олиб, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

● ФОРИШ. Эсиргап Қўлдошев Карл Маркс номли совхозининг 1-бўлими қўйчивони. Тажрибали чорвадор бу йилги қўзилатиш мавсумида қувончли натижаларга эришиб, бўлимда пешқадам бўлди. 546 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 100 тадан қўзи олинди.

Соғлом ҳамда дуркун қўзиларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди.

Яйлов баҳодирлари қўлга киритилган муваффақиятларини баҳор ва бахт байрамига совға деб билмоқдалар.

Ў. ДОСТОНОВ.

● ПАХТАЧИ. Район пиллакорлари ўтган 1988 йилда 4 минг 811 кути ипак қурти уруғини парваришлаб тайёрлов пунктларига 336,3 тонна пилла етказиб беришганди.

Бу йил эса улар 4 минг 270 кути ипак қуртидан камида 270 тонна пилла етиштиришга ахд қилишган. Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Районда жами 3 минг 264 нафар пудратчи звенолар тузилди. Уларнинг бошлиқлари, пиллачилик бригадирлари, инкубистлар эса район пилла тайёрлаш идораси қошида ташкил этилган махсус курсларда малака оширдилар.

Пилла боқиладиган хоналарни ремонт қилиш ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминлаш тугалланди. Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш район пиллакорларининг доимий эътиборида. Мавжуд 320 гектар ердаги тутзор бир марта суғорилиб, озиқлантирилиб қўйилди. Айни кунларда улар иккинчи бор обиҳаётга қондирилаётир. «Пахтакор» колхозида эса барг берадиган тутлардан ташқари 1000 тупга яқин балхи ва шотут ниҳоллари ўтказилиб, парвариш қилинаётир.

Б. ШАМСИЕВ.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев амалий визит билан Совет Иттифоқига келган ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Войцех Ярузельский билан 28 апрель куни учрашди.

Суҳбатда асосий эътибор ҳозир иккала мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгартишлар муаммоларига қаратилди. В. Ярузельский Польшадаги социалистик янгиланиш жараёнлари тўғрисида гапириб берди. Давра суҳбати натижалари мамлакатнинг сиёсий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу натижалар турли ижтимоий ва сиёсий кучларнинг тағин ҳам кенгроқ баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари учун истиқбол очиб берди. ПБИП социализм тақдири учун ўз масъулиятини англаб, иттифоқчи партиялар — Бирлашган деҳқонлар партияси ва Демократик партия билан фаол ҳамкорлик қилади. ПБИП ўз ўрнини аввало программавий фаолиятда, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, барча аҳоли табақалари манфаатларини миллий тотувлик доирасида бирлаштирувчи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, деб билади. Ҳаёт бизнинг сиёсий раҳбарлик энг аввало ижтимоий жараёнларга таъсир ўтказиш, омма билан мулоқотда бўлиш, халқ билан бевосита алоқа қилиш орқали амалга оширилиши лозимлигига ишончимизни мустаҳкамлади.

ПБИП Марказий Комитетининг 10-пленуми айниқса бўлажак парламент сайлови муносабати билан ҳозирги сиёсий вазиятни ҳамда партия фаолиятининг истиқболларини идрок этиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан буёнги ишларнинг вазифалари ПБИП X съезди делегатларининг май ойи бошларида тўпланадиган конференциясида кўриб чиқилади.

М. С. Горбачев поляк ўртоқларнинг ишлари тўғрисидаги гапларни зўр қизиқиш билан тинглаб, қардош партиялар қўллаётган социалистик тузумни янгилаш, унинг имкониятларини рўёбга чиқариш шаклларини ва усулларининг хилмахил бўлишига қарамай, ана шу жараённинг умумий жиҳатлари борлигини таъкидлади. Демократиялаш, хўжаликни бошқаришда, сиёсий масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларнинг реал иштирок этиши учун шароит яратишга ҳаракат қилиш ана шундай умумий жиҳатлардир.

СССРда ҳозир қайта қуриш шундай авж олдики, ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришлар шу қадар теранлашдики, айтиш мумкинки, партиядан куч-ғайратларни мислсиз даражада ошириш талаб қилинмоқда. КПСС Марказий Комитетининг яқиндаги Пленумида совет кишилари бўлиб ўтган сайловда яна бир марта қайта қуришни қатъий ёқлаб овоз бердилар ва айни пайтда қайта қуришни тағин ҳам қатъият ва изчиллик билан ўтказишни талаб қилмоқдалар, деган хулоса чиқарилди. Ҳозир бизда аввало иқтисодий фаолиятнинг янги усулларига ўтиш қийинчиликлари, пул муомаласининг номутаносиблиги, товар запасларининг етишмаслиги билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўп. Бироқ бу муаммоларни қайта қуриш сиёсати, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, демократиялаш, ошкоралик доирасида ҳал қилиш мумкин ва лозим.

Биз олға томон ҳаракат қилиш суръатлари секинлашиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни ҳаёлимизга ҳам келтирмаслигимиз керак, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Маълумки тарихнинг бурилиш босқичларида жамият зиммасидаги юк ортади. Кайфиятларнинг ўзгариши кучлироқ таъсир қилади, баъзилар ҳамма нарсани ҳозирнинг ўзидаёқ ўзгартиришни хоҳлайдилар, бошқаларни ўзгаришлар суръати чўчитади. Сиёсий маданият етишмаслиги, группа худбинлиги, миллатчилик хуружлари таъсир қилмоқда. Шу сабабли социалистик негизда ғоят кенг демократия ва интизомнинг, ошкоралик ва масъулиятнинг, фикрлар хилма-хиллиги ва ҳаракатлар ўзаро келишиб олинишининг, жорий долзарб муаммоларни ҳал этиш ва истиқболни кўзлаб ишлашнинг мутаносиблигини таъминлайдиган жўшқин мувозанат жуда муҳимдир.

М. С. Горбачев билан В. Ярузельский иккала партия ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатидан мамнун эканликларини айтдилар.

Иқтисодий алоқаларни такомиллаштиришдан ҳар икки томоннинг манфаатдорлиги таъкидланди. Польша ва Совет Иттифоқи халқ хўжалиги фаолияти системасидаги ўзгаришлар иқтисодий ҳамкорликнинг асосий масалаларини ҳал этишга янгича ёндашувни талаб қилади. Бирлашган социалистик бозорни барпо этиш истиқболларини ҳисобга олиб, соғлом иқтисодий негизларга ва корхоналарнинг хўжалик қисоби принципларига асосланган комплекс моделни ишлаб чиқиш учун Польша — Совет ишчи группаси тузилади. 1991—1995 йиллар беш йиллик планларини мувофиқлаштириш иши давом этмоқда. Ҳукумат вакилларига эришилган аҳдномаларни конкретлаштириш учун шу йилнинг май ойида учрашиш тавсия этилди.

Учрашув қатнашчилари 1987 йил апрелида имзоланган идеология, фан ва маданият соҳасида Совет — Польша ҳамкорлиги тўғрисидаги декларация, шунингдек 1988 йилнинг июль ойида М. С. Горбачевнинг ПХР-га қилган визити чоғида эришилган олий даражадаги аҳдномалар тўғрисида Совет — Польша қўшма баёноти қоидаларини амалга ошириш юзасидан биргаликда қилинган ишларга юқори баҳо бердилар. Иккала мамлакатда катта ўзгартишлар амалга оширилаётган (уларда ёш авлоднинг ўрни айниқса истиқболлидир) ҳозирги пайтда визит чоғида имзоланган СССР ва ПХР ёшлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома катта фойда келтириши мумкин.

Совет — Польша муносабатлари тарихидаги оқ доғлар деб аталган воқеалар хусусида фикрлашиб олинди. Иккинчи жаҳон урушининг арафаси ва унинг бошланишига бағишлаб СССР ва Польша олимлари томонидан биргаликда тайёрланган ҳужжат яқин вақтда Совет — Польша матбуотида эълон қилиниши маълумот учун қабул қилинди. Бошқа муаммоларни тадқиқ этиш тугалланмоқда. Олимларнинг ҳар икки томон иштирокидаги комиссияси ва бошқа нуфузли ташкилотлар барча «оқ доғлар», аввало Катин тўғрисидаги масала юзасидан ўз баҳолари ва хулосаларини тақдим этишлари учун бу ишни тезлаштириш зарур.

Суҳбатда халқаро сиёсат масалалари тилга олинди. Совет ва Польша раҳбарлари Европадаги вазиятни ижобий баҳоладилар. Ҳозирги вақтда қуролсизланиш соҳасида, иқтисодий, экологик, гуманитар ҳамкорликда — барча йўналишларда Европа жараёнини самарали давом эттириш учун реал шарт-шароит мавжуд. Ана шу қулай шарт-шароитдан тўла-тўкис фойдаланиш, қитъа олдида очилган тарихий имкониятни қўлдан бермаслик муҳимдир. Тактик ядро қуролини модернизациялаш планларини амалга ошириш умумий ижобий тенденцияларга қарама-қарши бўлур эди.

Жаҳон сиёсатининг бошқа йўналишларидаги ҳаракатлар истиқболи ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев суҳбат охирида партиямиз ва халқимизнинг Совет — Польша дўстлигига ўзгармас садоқатини таъкидлаб В. Ярузельскийга, Польшанинг коммунистлари ва барча меҳнаткашларига социалистик янгиланиш вазифаларини ҳал қилишда муваффақиятлар тилади.

Суҳбат самимийлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишонч вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Учрашув пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 27 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил апрель Пленуми якунлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро Марказий Комитет секретариатига М. С. Горбачев нутқидан келиб чиқадиган ҳамда Пленум қатнашчилари айтган мулоҳазалар ва истакларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган конкрет масалалар юзасидан таклифлар тайёрлашни топширди.

Партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг сиёсий ва идеологик иш савиясини, айниқса ёшлар ўртасидаги ана шундай иш савиясини ошириш, социал-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари — уй-жой қурилиши, савдо хизмати ва маиший хизматни яхшилаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитети Пленумида қўйилган бошқа масалаларни ҳал этиш зарурлигига эътибор берилди.

Мажлисда Марказий Комитетнинг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Пленумига қандай тайёргарлик кўрилаётгани муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларидан, автоном республикалар, областлар ва округлар партия комитетларидан, ўлка ва область партия комитетларидан, СССР ва РСФСР Олий Советлари Президиумларидан, СССР Госплани ва СССР Давлат статистика комитетидан, СССР Фанлар академиясидан, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти ва ижтимоий фанлар академиясидан, ВЛКСМ Марказий Комитети, ВЦСПСдан, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасидан, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларидан, илмий муассасалардан, айрим гражданлардан тушган материаллар диққат билан ҳар томонлама ўрганилмоқда. Миллатлараро муносабатлар муаммоларини муҳокама қилиш мақсадида Минск, Тошкент, Тернополь ва Новосибирск шаҳарларида регионал илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Бой материал тўпланди, хилма-хил фикрлар айтилмоқда, шу жумладан, бирбирига зид фикрлар ҳам бор, буларнинг ҳаммаси бўлажак Пленум қарорларининг концепциясини ишлаб чиқишга имкон беради. Бу фикрлар СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар ҳуқуқларини кенгайтириш, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларнинг эҳтиёжларини тўла қондириш, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатлар соҳасида салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бир қанча қонун актларига қўшимчалар ва ўзгаришлар тайёрлаш юзасидан иш йўналишларини белгилаб олишга имконият беради.

Фикрлар ва таклифлар нечоғлик хилма-хил бўлмасин, уларда бош ғоя — миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш қайта қуриш муваффақияти, социализмни мустаҳкамлашнинг ҳал этувчи омилларидан бири эканлиги аниқ-равшан ифодаланган.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳужжатларини тайёрлаш юзасидан ишни давом эттиришни топширди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси Москва шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 1990-1995 йилларга мўлжалланган Москвани социал-иқтисодий ривожлантиришни интенсивлаш «Прогресс-95» комплекс территориал-тармоқ программасини кўриб чиқди ва бу программанинг муҳимлигини таъкидлади. Программанинг социал йўналиши, уй-жой қурилишини жадаллаштириш, маиший-хизмат кўрсатишни ва соғлиқни сақлашни яхшилаш унинг ўзига хос хусусиятидир.

Программада корхоналар ва шаҳарни ривожлантириш манфаатларини кўпиб олиб бориш назарда тутилган, бу эса бошқариш механизмини янада такомиллаштириш учун шароит яратади. Программа лойиҳасини ишлаб чиқишда меҳнат коллективлари асосий роль ўйнаган. Сиёсий бюро СССР Госплани, министрликлар ва идораларга халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1990 йил ва ўн учинчи беш йиллик планларини ишлаб чиқаётганда программанинг топшириқлари ва кўрсаткичларини эътиборга олишни тавсия этди.

Маҳсулот сифати ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунларига кўра, унга киритиладиган тузатишлар ва ўзгаришлар тўғрисида СССР Министрлар Советининг ахбороти инобатга олинди. Меҳнат коллективлари, жамоатчилик эълон қилинган ҳужжатни қатта қизиқиш билан кутиб олдилар ва умуман унинг асосий принципларини маъқулладилар, мазкур Қонун лойиҳаси маҳсулот сифатини тубдан ошириш ишини ташкил этиш ва гражданларни сифатли моллар, ишлар ва хизматлар билан таъминлашда уларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишини амалга ошириш учун принципиал аҳамиятга молик ғоят муҳим тадбир сифатида баҳоланмоқда.

Сиёсий бюро Н. Рижковнинг Люксембург мустақиллигининг 150 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирларда қатнашиш учун шу мамлакатга қилган сафари якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади, ушбу сафар чоғида Люксембургнинг давлат ва сиёсат арбоблари билан, шунингдек Австрия, Буюк Британия, ГФР, Франция, Нидерландия ҳукуматларининг бошлиқлари, БМТ Бош секретари, Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг раиси билан учрашувлар бўлди. СССРнинг Европада тинч ривожланиш манфаатларини кўзлаб сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни чуқурлаштириш, бир-бирига қарама-қарши бўлган блоклар ўртасидаги мухолифлик даражасини камайтириб бораверши йўли тасдиқланди. Турли соҳаларда Совет-Люксембург муносабатларини ривожлантиришнинг, иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашнинг фойдали аҳамияти таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 15-16 март кунлари бўлиб ўтган Пленумининг материаллари алоҳида китобча бўлиб нашрдан чиқди. Унга Пленум ҳақидаги информацион билдириш, КПССдан СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида сайлов комиссиясининг ахбороти, Пленумнинг КПССдан СССР халқ депутатларига наказлар тўғрисидаги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган «КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида»ги доклади, М. С. Горбачевнинг якунловчи нутқи, Пленумнинг муҳокама қилинган масала юзасидан қарори, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг таклифига мувофиқ қабул қилинган ҳужжатлар киритилган.

Китобча Сиёсий адабиёт нашриётида босиб чиқарилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

28 апрель куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди, мажлисда республикада савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида тартиб ўрнатиш, одамларнинг навбат кутиб қолишини бартараф этиш, хизмат соҳаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг фаолияти устидан ишчи назоратини кучайтириш хусусида амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди. Жойларда ўтказилган текширишларнинг якунлари ва умуман республикада ана шу масалани ўрганиш натижалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов, Узсовпроф секретари А. Г. Руденко, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари Б. Қурбонбоев Президиумга ахборот бердилар. Савдони ташкил этишда ва хизмат соҳасида тартиб ўрнатиш юзасидан совет, касаба союз ва хўжалик органлари бир қанча чора-тадбирларни амалга ошираётганликлари қайд этиб ўтилди.

Масалан, 1988 йилдагина магазинларнинг савдо майдони 115 минг квадрат метр, умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар 61 мингта кўпайди, 64 та савдо корхонаси кечаю кундуз ишлашга ўтказилди. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари хизмат соҳасига саҳни 8 минг квадрат метрли 130 та бинони ажратиб берди. Республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасида 350 тадан кўпроқ янги устахона, ўзига ўзи хизмат қилиш корхонаси ва ателъеси, кийимларни химиявий йўл билан тозалаш ишига тушириллди. Савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларидаги камчиликларни аниқлаш ва тугатишда меҳнаткашлар маъқуллаб кутиб олган касаба союзлари ишчи назорати амалий ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети, Ўрта Осиё темир йўли системаларида, шунингдек республиканинг бир қанча территорияларида масалани ўрганиш якунлари юзасидан Ишлар мудирлигининг бўлимлари тақдим этган материаллар хизмат соҳасидаги мавжуд жиддий нуқсонларни бартараф этишдаги сусткашлик аҳолининг ҳақли эътирозларига ва газабига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Лоқайдлик ва сансалорлик оқибатида одамлар телефон ўрнатилишини йиллаб кутмоқдалар, меҳмонхоналардан жой тополмаётирлар, авиация ва темир йўл билетларини ўз вақтида сотиб ололмаяптилар, уй-жойлардан фойдаланиш идораларида ва паспорт столларида ўз масалаларини ҳал қила олмаяптилар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигининг бўлинмаларида ўтган йилнинг ўзидагина автобусларнинг 2,1 мингдан кўпроқ рейси бажарилмади, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси системасида турли сабаблар билан 2590 рейс кечиктирилди ва 387 рейс бекор қилинди, бу системада билетларни сотиш чоғида тартибни бузиш ва суиистеъмол қилиш фактлари ҳали ҳам тугатилмаган. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги мазкур масала юзасидан раҳбар органлар қарорларини бажаришга тегишли масъулият билан қарамади, министрликда маданият уйлари ва саройлари ишининг аниқ графиги тузилмаган, уларнинг кўпи бекор турибди, кўпгина кинотеатрларда эса сотилган билетларни такрорий сотиш фактлари аниқланди. Муҳокама чоғида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги салбий ҳодисаларни тугатиш учун таъсирчан чораларни кўрмаётган Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг иши танқид қилинди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги (Ў. Р. Умарбеков), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети (Н. В. Мачтаков), Тошкент шаҳар ижроия комитети (Э. А. Ризаев), Бухоро (В. С. Черних), Самарқанд (В. И. Леонов) ва Сирдарё (М. Х. Ҳасанов) область ижроия комитетлари раҳбарлари эътиборини улар юқори идораларнинг савдо ва хизмат соҳасида тартиб ўрнатишнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш тўғрисидаги қарорларини амалга оширишда сусткашлик қилганликларига қаратди. Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига республика партия-хўжалик активларининг 1989 йил 15 апрелда бўлиб ўтган йиғилиши резолюциясига амал қилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида тартиб ўрнатиш, одамларнинг навбат кутиб қолишларини келтириб чиқараётган сабаблларни тугатиш, хизмат соҳаси фаолиятини контрол қилишнинг ишчи назорати ва бошқа формаларини кучайтириш топширилди.

Мажлисда, шунингдек ижрони контрол қилиш тарзида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Термиз шаҳрида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришга доир қарори қандай бажарилаётгани тўғрисида Термиз шаҳар ижроия комитетининг, республика айрим министрликлари ва идораларининг ҳисоботи тингланди. Ўтган бир ярим йил ичида шаҳарда бир қанча ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди, ободончиликка 1,7 миллион сўм сарфланди. Янги корхоналар, уй-жойлар, социал-маданий муассасалар қуриш учун лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Бироқ ишларнинг аҳволини батафсил таҳлил қилиш Термиз шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССРнинг баъзи министрликлари ва идоралари қарорда кўзда тутилган кўпгина топшириқларнинг белгиланган муддатда бажарилишини таъминламаётганлигини кўрсатди. Шу муносабат билан Президиум қарорни бажаришни барбод қилиш сабабларини пухта ва батафсил ўрганиб комплекс қурилишда, ишлаб чиқариш объектларини, инженерлик иншоотларини қуришда, қурилиш базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда Термиз шаҳри инфраструктурасини янада ривожлантиришда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини қоплаш мақсадида биргаликда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун у ерга ҳукумат комиссиясини юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда В. И. Ленин туғилган куннинг 119 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик якунлари чиқарилди. Республикада бу йил шанбаликка тайёргарлик ва уни ўтказиш олдинги дабдабалар ва шов-шувларсиз, расмиятчиликсиз, уни ташкил этиш ҳамда «Буюк почин» улуғвор принципларини тиклашга амалий ёндашиш вазиятида ўтганлиги таъкидланди. Иш жойларида, шунингдек шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқлар территорияларини обод қилишда 9,3 миллион киши ишлади. Шу куни 47,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, республика фондига 9,4 миллион сўм ўтказилди, бу эса ўтган йилдагидан 2,2 миллион сўм кўпдир. Ишлаб топилган маблағ республика территорияси социал соҳасининг моддий базасини мустаҳкамлашга, Андижон областида эса сув тошқини оқибатларини тугатишга сарфланади.

Мажлисда республика ташқи иқтисодий фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиб туриш чораларини кўзда тутувчи қарор муҳокама қилинди ва қабул этилди.

ҲАМ БАЙРАМ, ҲАМ МУКОФОТ

Улар Биринчи май байрами арафасида халқнинг юксак ҳурматига сазовор бўлдилар. Бу байрам юртдошларимизнинг катта группаси ҳаётида унутилмас бўлиб қолади. Уларга 29 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотлари топширилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Надежда Владимировна Мажниковага «Қаҳрамон она» унвони бериш ҳақидаги Фармони биринчи бўлиб ўқиб эшиттирилди. Тошкент шаҳрининг Сергели районидаги ишчи оиласи меҳнатсевар, сергайрат, Ватанга садоқатли ўғил ва қизларни тарбиялаб етиштирди.

Олий Совет меҳмонларини ҳеч ким «Маълум бир тартибда» белгиланган ўринларга ўтқазгани йўқ. Лекин қаҳрамон онанинг ёнида пойтахт областидаги «Тошкент» совхозининг ёш ишчиси Жаҳонгир Раҳматуллаев ўтирганлиги тасодифий эмас. Шу куни эрталаб унга «Енгинда жасорат кўрсатганлик учун» медали топширилди. Унинг болаларни қутқариб қолишда кўрсатган мардлиги ва фидокорлиги шундай тақдирланди. «Оловли фронт» қаҳрамонларидан чирчиқлик Абай Жўлдибоев, Абдурашид Турғунбоев, тошкентлик Аҳрол Маннопов, Усмон Ўсаров, Рисқим Эргашев ҳам болаларни қутқариб қолишда жасорат кўрсатганлари учун шундай мукофотларни олдилар.

Мўйқалам устаси — рассом Ж. Ю. Умарбековга «Ўзбекистон ССР халқ рассоми», Тошкент область «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Дўстлик таронаси» ансамблининг раҳбари Ҳ. К. Нишоновга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» юксак унвони берилди.

Винокор ва олим, шифокор ва ҳайдовчи, иқтисодчи ва музикачи, журналист ва артист, ихтирочи ва хизмат соҳаси мутахассиси юксак нишонлар билан тақдирланганлиги ҳақидаги фармонлар ўқиб эшиттирилади...

Одатдаги мукофотлар топшириш маросимига ҳаётнинг ўзи ўзгаришлар киритди — бу учрашув қайта қуриш олға сурган вазифалар ҳақидаги, ҳар биримиз ва ҳаммамиз биргалашиб бажаришимиз лозим бўлган ишлар тўғрисидаги қизиқарли суҳбатга айланди. Юксак давлат нишонлари билан тақдирланган кишилар ўз сўзларида бу ишларни бажаришга қўшаётган ҳиссаларини янада кўпайтиришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов мукофотланганларни муборакбод этиб, уларни байрам билан табриклади, бахт-саодат ва Совет Ватани фаровонлиги йўлидаги ишларида янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ мухбири).

РЕСПУБЛИКА БИЛАН ТАНИШУВ

Бангладеш Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Назрул Ислом танишиш мақсадида Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

У Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида бўлди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетида, Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасида учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Назрул Исломни Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

БАРАВЖ НИҲОЛЛАР

Ульянов районидаги «Пахтакор» совхози деҳқонлари бу йил давлатга 5200 тонна «оқ олтин» етиштиришга ахд қилишган. Шу мақсадда эрта баҳорда 2 минг гектар ерга етти иш кунида барака уруғи қадалди.

Айни кунларда ниҳолларни культивация қилиш ишлари авж олдириляпти. Хўжалик таққан 35 та агрегат юксак унум билан ишлатилмоқда. Механизаторлар ўсимликка дастлабки ишлов бериш билан бирга ҳар гектар майдонга 250—300 килограмм аммофос ва маҳаллий ўғит солмоқдалар.

Тангри Назаров, Сулаймон Умаров, Умрхон Тилаватовлар бошлиқ тўдрат асосида ишлаётган бригадалар барча майдонларда тўла гектарлар ҳосил қилган эдилар. Мазкур коллективлар далаларидаги ниҳоллар кун сайин бўй чўзмоқда. Улар экинни биринчи культивациядан чиқаришди. Дала ишларида Панжи Аҳмедов, Сайфулла Қобилов, Қурбоншо Авазов, Турсунбой Умиров каби механизаторлар жонбозлик кўрсатишаётир.

— Бу йил пахтакорларимиз ҳар гектар ердан камида 26 центнердан хирмон кўтаришмоқчи, — дейди совхоз директори Н. Файзиев. — Мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун ғўзаларни етти марта комплекс ишловдан чиқарамиз. Шунингдек, уч марта қондириб суғорамиз. 1 Май байрамини барча майдондаги ниҳолларни дастлабки ишловдан чиқариш билан кутиб оляпмиз.

М. КАРОМОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ КОМИССИЯСИДА

КОНТРОЛДА — СОЦИАЛ СОҲА

Арманистоннинг зилзиладан зарар кўрган районларида қайта тикланаётган биринчи галдаги объектлар орасида офат рўй берган зонада деярли бутунлай вайрон бўлган ёки шикастланган болалар муассасалари ва мактаблар бор. Раҳбар органлар белгилаб берган топшириқларга биноан шу йилнинг ўзидаёқ ишга жалб этилган ташкилотлар билан биргаликда 42 минг ўринли мактаб ва 16 минг ўринли болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш керак. Республика идоралари зиммасига юкланган топшириқлар ҳажми бу ҳисобга кирмайди.

Вазифалар масъулиятли ва шунинг учун ҳам улар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг 27 апрель куни Ереванда бўлиб ўтган зилзила оқибатларини тугатишга бағишланган навбатдаги оператив кенгаши кун тартибига киритилди. Кенгашни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев олиб борди.

Арманистон ССР халқ таълими министри С. Т. Ахумян ва бошқа раҳбарларнинг январь ойининг ўрталаридаёқ офат рўй берган бутун зонада мослаштирилган биноларда машғулотлар бошланганлиги тўғрисидаги ахбороти мамнуният билан кутиб олинди. Айни пайтда мамлакатнинг йирик лойиҳа коллективлари халқ таълими объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва топширишга сафарбар этилди.

Бироқ кенгашда жиддий камчиликлар очиб ташланди ва танқид қилинди. Хусусан, республика Госстройи 283 та мактаб ва болалар муассасаларидан ҳали 98 тасини текшириб чиқишни тугалламади. Республика Халқ таълими министрлиги, Госстройи ва Госплани баҳамжиҳат иш кўрмаётганликлари туфайли бир қанча мактаблар пудрат ишлари рўйхатига киритилмади ва улар юзасидан буюртмачилар белгиланмади. Бу эса ана шу мактабларни ўқув йили бошлангунча фойдаланишга топширилишини шубҳа остига қўяди. Тожикистон, Туркманистон, Латвия ва Грузия иттифоқдош республикалари Давлат агросаноат комитетларининг қурилиш ташкилотлари, айниқса, ёмон ишламоқда.

Комиссия бу соҳада қурилиш қониқарсиз олиб борилаётганлигини эътироф этиб, Иттифоқ ва республика қарамоғидаги барча манфаатдор ташкилотлар раҳбарларидан ишга муносабатни тубдан ўзгартириши, болалар муассасалари ва мактабларнинг планда кўзда тутилган муддатларда ишга туширилишини таъминлашни талаб қилди. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига жойларда ана шу объектлар қурилиши устидан кундалик контролни кучайтириш таклиф этилди.

Комиссия кенгашида илгари қабул қилинган қарорларни контрол қилиш тариқасида Спитакда уй жойлар ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишининг бориши кўриб чиқилди. Арманистон ССР халқ контроли комитетининг раиси Г. А. Мартиросян текширув натижалари тўғрисида ахборот берди. Шаҳарда зилзила оқибатларини тугатиш штаби ва ишга жалб этилган ташкилотлар бу соҳада муайян ишлар қилганлиги айтиб ўтилди. Лекин комиссиянинг бир қанча топшириқлари юзасидан белгиланган муддатларга амал қилинмади, уй-жойлар ва социал соҳа объектларини қуриш суръатлари ҳамон йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст. Айниқса, Ўзбекистон ва Эстония қурувчилари орқада қолишмоқда. Ўзининг механизациялашган кўчма колонналарини кадрлар билан мустаҳкамламаган Арманистон Госстройи ҳам уюшқоқсизликка йўл қўймоқда. Шаҳарда шу пайтгача бош пудратчи вазифаларини бажарувчи махсус трест — майдон ташкил этилмаган. Спитак территориясини вайроналардан тозалаш суръатларини, сув таъминоти, коммунал хизмат объектларини лойиҳалаштириш муддатларини ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Ўзбекистон ва Эстония ССР Давлат қурилиш комитетлари раҳбарларига йиллик қурилиш программаси октябрь ойида — совуқ тушгунча бажарилиши учун уларнинг шахсий жавобгар эканликлари уқтириб ўтилди.

Комиссия ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР фан-техника давлат комитетининг раиси Б. Л. Толстих, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян иштирок этдилар.

(ТАСС).

СССР халқ депутатлари

СЎЗДАН АМАЛИЙ ИШГА

Я. М. Свердлов номли колхоз Наманган районидагина эмас, балки областда ҳам илғор тажриба мактабида тез-тез тилга олинаётир. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг энг илғор усуллари кенг қўлланиляпти. Янгилик ижодкорларининг сафи кенгайиб бораётир.

Хўжалик бош иқтисодчиси Абдураҳмон Абдураҳимов изланувчан ва ташаббускор ходим сифатида донг таратяпти. У яқинда 104-Наманган миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутати қилиб сайланди. Ҳамқишлоқларининг бундай юксак ишончига осонликча эришмади.

104-Наманган миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депуталигига тўрт номзод кўрсатилди. Уларнинг ҳар бири сайловолди режалари билан ўртоқлашди. Иқтисодчи А. Абдураҳимовнинг режалари сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Қишлоқ хўжалиги иқтисодида маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ислоҳотлар ўтказиш ҳақида ўз программасини баён этди. Унинг сўзлари барчага маъқул тушди. Бугунги кунда халқ депутати сўздан амалий ишга ўтди: режаларини амалга ошираяпти.

— КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида мамлакатимиздаги аграр секторидаги ишларимиз батафсил муҳокама этилди, — дейди А. Абдураҳимов. — Партия ишлаб чиққан тадбирларнинг амалга оширилиши тез орада озиқ-овқат таъминотида бурилиш бўлишига эришишимизнинг омилидир. Биз, деҳқонлар айни чоғда ҳосилдорликни ошириш йўлида ҳам изланмоқдамиз. Деҳқончиликда академик М. В. Муҳаммаджонов усулини қўллаяпмиз. Бу усул билан ҳосилдорлик ошиб бораётир. Жумладан, озуқа экинлари майдонларида ҳосилдорлик 50 фойизга, пахтазорларда эса, 30-35 фойизга кўпайди. Хўжалигимизда дурагай ғўза навининг ишлатилиши туфайли ҳосилдорликнинг қўшимча ўсишига эришилди. Ўтган йили шу йўл билан ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил олдик. Ҳар бир гектар ердан 5 минг сўм фойда олинганлиги, айниқса, қувонарлидир. Деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини ҳам замон талабига мос ривожлантиришга эътиборни қаратмоқдамиз. Масалан, тут кўчатларини интенсив технология асосида парваришлаш ва уларга шакл бериш ишларини механизациялаш соҳасида ҳам янгилик киритдик. Ҳисоб-китобимга кўра, хўжалик бу йўл билан 300 минг сўмга яқин фойда олиши мумкин. Тут майдонлари маълум даражада қисқариб, унинг ўрнига бошқа экинлар экиляпти. Ютуқларимиз кўпайиб бораётир. Уларни мустаҳкамлаш хўжалигимиз аъзоларининг асосий мақсадига айланди.

Суратда: СССР халқ депутати А. Абдураҳимов ёшлар боғдорчилик бригадаси аъзолари билан суҳбатда.

А. КОВТУН фотоси (ЎзТАГ).

ҲАММАНИНГ КЎЗ ЎНГИДА

ВЦСПС касаба союзлари ишчи назорати ҳақида қарор қабул қилганидан бери орадан ярим йил вақт ўтди. Гарчи бу унчалик узоқ давр бўлмаса-да, ишчи назорати аҳолига савдо, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳаларига чуқур кириб борди. Ана шу давр ичида яна шу нарса ҳам ойдинлашдики, шахсий манфаатини кўзлаб, камёб молларни ўз билганича тақсимлаш, қонунсиз фойда олишга ружу қўйиш ҳамда хизмат кўрсатишдаги бошқа тартиб ва қонда бузишлар бор экан, ишчи назорати ўз фаолиятини кенг давом эттираверади.

Бизда илгари ҳам текширувчи ва назорат қилувчи органлар оз эмасди. Эндиликда эса мавжуд саноат ва озиқ-овқат молларини тақсимлашда тартиб ўрнатиш учун меҳнаткашларнинг шахсан иштирокини таъминлаш вазифаси амалга оширилмоқда. Шу кунларда республикада ўз сафига 80 минг ишчи назоратчиларини бирлаштирган 18 мингта ишчи группалари фаолият кўрсатяпти. Улар шаҳар ва қишлоқлардаги деярли барча ошхона ва буфетларни, мактабгача болалар муассасалари, магазин ва маиший хизмат корхоналари ишини ўз назоратлари остига олганлар. Текширишлар эса хизмат соҳасида аҳвол ниҳоятда танг эканлигини кўрсатмоқда: амалда кўпчилик савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарида харидорлар ҳақидан, тарозидан уриб қолиняпти, харидоргир моллар яшириб сотилмоқда. Ишчи назорати текширувидан сўнг жиноятга қўл урган кўпгина ходимлар маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортилди. Юзлаб кишиларнинг иши тергов органларига ўтказилди.

Ишчи назорати аъзоларининг топширилган вазифага сидқидилдан ёндашаётгани айрим кишилар ўртасида уларнинг хизмат соҳаси ходимларига нисбатан ҳаддан ташқари қаттиқ муносабатда бўляптилар ёки, аксинча, белгиланган тартибни бузаётган шахсга етарлича чора кўрмаяптилар, деган мулоҳазалар ҳам туғилишига сабаб бўлмоқда.

Совет қонунчилигини ва социал адолатни бузган кишилар, албатта, тегишли жазосини олишлари лозим. Бироқ ишчи назорати учун муҳими унинг қонун-қоидага ва тартибга қатъий, риоя қилишга, истеъмолчига нисбатан ҳурматда бўлишига, ҳалоллик ва поклик унинг турмуш тарзига айланишига эришишдан, хизмат кўрсатиш муассасалари ёш ходимларини турли хил ғирромликлардан муҳофаза қилишдан, қисқача қилиб айтганда, тарбиявий ишлар олиб боришдан иборатдир.

Магазинларда сифатли молларнинг камлиги ҳаммага маълум. Ишчи назорати молларни адолат билан тақсимлашга аралашганида эса қаттиқ қаршиликларга дуч келмоқда. Бунинг сабаби — қонун бузувчилар одатда ўз ҳомийларига суяниб иш қиладилар.

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ишчи назорати инспекцияси Тошкент шаҳар Халқлар дўстлиги кўчасидаги «Совғалар» магазинини текширганида ана шундай аҳвол содир бўлди. Назоратчилар бу ерда Финляндияда ишлаб чиқарилган эркаклар кўйлагидан тортиб, чет эл макарони ва Польша пивосигача жуда кўп турли хил моллар яшириб қўйилганлигини аниқладилар. Аммо ўша заҳотиёқ магазин мудири Трегуловнинг ҳомийлари пайдо бўлдилар. Ишчи инспекцияси ёзган актлар эса қаерлардадир «йўқолиб» кетди. Кўчма Қизил байроқ тақдим этиш одат бўлиб қолган бу магазинга келтириладиган кўп моллар пештахтага чиқарилмай йўқ қилиб юборилиши ҳеч кимни ўйлантирмайди. Вақти келганида ҳомийлари албатта қўллаб юборишига ишонган Трегулов эса хотиржам. Энг ташвишлиси магазинда ишлаётган ёш сотувчилар меҳнат фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ўз раҳбарларидан қилвирликни ва алдамчиликни ўрганиб, нотўғри йўлга кириб бормоқдалар.

Узсовпроф қошидаги ишчи инспекцияси матбуот марказига жойларда озиқ-овқат ва саноат моллари нотўғри тақсимланаётгани ҳамда яшириб сотилаётгани, чайқовчиликка йўл очилаётгани тўғрисида ҳар куни кўплаб ташвишли хабарлар келиб турибди. Айниқса Сергели райони, Янги Ангрен ГРЭСи жойлашган Нуробод шаҳри, Тошкент шаҳридаги Ҳамза, Акмал Икромов районлари,

Касаба союзлари: ишчи назорати амалда

Нариманов посёлкасидан кўплаб ана шундай хабарлар келмоқда. Нуробод посёлкасида иш шу даражага етдики, бу ерда ҳатто камёб бўлмаган трикотаж, электр лампочкалар, макарон, сут маҳсулотлари ҳам очиқ савдода топилмайди. Ҳатто энг бозори касод мебеллар ҳам йилига бир мартагина савдога чиқарилмоқда. Сергели райони магазинларида эса моллани беркитиб сотиш, гўшт харид қилаётган ветеранларни алдаш айниқса авжига чиққан.

Республика ва Тошкент область касаба союзлари ишчи инспекцияси бу ерда аҳволни ўнглаб олиш тадбирларини кўрмоқда. Аммо корхона, муассаса, ташкилотларда меҳнаткашларнинг ўзлари тартиб ўрнатишлари ҳам зарур.

Ишчи назоратчилари ошхоналар ишини қатъийлик билан ўз таъсир доирасига олишлари лозим эди. Бироқ, ҳамма ерда ҳам шунга эришилмади. Область касаба союзлари қошидаги матбуот маркази мухбири «Узградострой»га қарашли Нукус уйсозлик комбинати ишчилари билан суҳбатлашганида ҳар уч ишчидан бири «Мен комбинат ошхонасида овқатланмайман», деган гапни айтди. Шу йил 1 мартда ўтказилган текширишда бунинг сабаби маълум бўлди. Ошхонада ҳамиша бир хил овқат тайёрланади, бунинг устига ҳар бир косадан 15—20 граммдан гўшт чегириб қолинади. Бундай ҳолларда, энг аввало, ошхона ўғриларига қарши корхона коллективи сайлаб қўйган ишчи назоратчилари кураш олиб боришлари лозим эди. Бироқ комбинатда ишчи назоратчиларининг ўзи йўқ. Демак, касаба союз комитети ишчилар, инженер ва техникларнинг қандай овқатланаётгани билан умуман қизиқмайди.

Ҳозир ишчи назорати савдо корхоналарининггина эмас, шу билан бирга уларнинг бошқарув органлари фаолияти ишига аралашадиган пайт келди. Шу сабабли ишчи назорати инспекцияси ва группалари, Советлар ва уларнинг депутатлар комиссиялари, халқ контроли органлари, Ички ишлар министрлиги билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Масалан, республика УБХСС ходимлари билан бирга Тошкент шаҳрида жойлашган йирик базаларда ўтказилган рейд яхши самара берди. Текшириш пайтида «Узобувторг» базасида 200 минг сўмликдан кўпроқ миқдорда чет эл пойабзали, «Узторгодежда» базасида эса 2 миллион сўмликка яқин чет эл кийим-кечаклари, Хозторг базасида Минск ва Гомелда ишлаб чиқарилган 88,8 минг сўмлик деворбоп гулқоғозлар топиб олинди. УБХСС ходимлари билан узвий ҳамкорлик ишчи назоратчиларига нисбатан бўлаётган тазйиқлар олдини олиш учун ҳам зарур бўлмоқда. Бундай тазйиқлар эса рўй бериб турибди. Масалан, Янги Ангрен ГРЭСида ишчи назоратчилари ишга жиддий киришдилар. Савдо қоидасини бузувчилар ўзлари учун бирор имконият қолмагач, тўғридан-тўғри дўқ-пўписа қилишга ўтиб олдилар. Бундай ҳолларда Советлар ҳам, ҳуқуқ-тартибот органлари ва касаба союз комитетлари ҳам ишчи назоратига зудлик билан ёрдам беришлари даркор.

Ишчи назоратчилари қишлоқ районларида ҳам фаол иш олиб бормоқдалар. Хоразм областида шу йил март ойигача қишлоқ жойларда 473 марта савдо қоидаси бузилгани фош этилди. Шовот районидаги С. Нурматова мудирлик қилаётган келин-куёвлар магазинида кўп миқдорда чет элда тикилган аёллар, болалар, эркаклар кийимлари ва пойабзаллари яшириб қўйилган еридан топиб олинди. Самарқанд областининг Пайариқ, Пахтачи, Хатирчи, Нарпай, Советобод, Каттақўрғон ва бошқа бир қатор районларидаги 92 та магазинда ишчи назоратчилари омборхоналардан жуда кўп миқдорда камёб молларни топиб савдога чиқардилар. Зиёвитдин матлубот жамиятига қарашли 8-магазинда 7 қути чет эл макарони, Каттақўрғон район матлубот жамиятига қарашли Каттаминг чакана савдо корхонасининг 1-саноат моллари магазинида 1780 сўмлик турли хил харидоргир моллар пештахта остидан топиб олинди.

Ишчи назорати мактаблардаги ошхона ва буфетлар, болалар боғчаларидаги озиқ-овқат блокларини ҳам диққат эътиборида тутмоқда. Андижон областидаги халқ таълими системасининг ўзида 470 та оператив ишчи группаси иш олиб бормоқда. Улар мактаб ва боғча-яслиларда болаларни алдаш, уларнинг ҳақига хиёнат қилиш каби кўпгина воқеаларни аниқладилар. Хўжаобод районидаги 38-мактаб буфетчиси Р. Нуринбоева икки ўқувчини 18 тийинга алдаётгани устида ушланди. Ота-оналар тармоқ касаба союзлари область комитетидан Андижон шаҳридаги 24-болалар боғчасини текширишни илтимос қилишгач, ишчи группаси бу ерда болалар ҳақидан 800 грамм ёрма, икки литр сут, қовурилган балиқ ва нонни ўғирлаб олиб чиқиб кетаётган ташмачи боғча ходимларини ушлаб олишди. Сирдарё областидаги Ворошилов районида эса мактабгача болалар муассасаларида ўтган йилнинг ўн ойи ичида 2 тонна гўшт, 740 килограмм сариёғ, 12,5 минг литр сут ҳам олингани аниқланди. Демак, болаларга ана шунча миқдорда кам овқат берилган. Ишчи назоратчилари бу ерда ишни охирига етказишлари, шу ишга қўл урган барча ходимларнинг тегишли жазо олишларига эришишлари лозим. Токи, бундан кейин ҳеч ким болалар ҳаққига хиёнат қилмайдиган бўлсин.

Ишчи назорати изга тушиб олди. Шубҳа йўқки, у кундалик ҳаётда социал адолатни қарор топтиришга яқиндан ёрдам беради.

А. РУДЕНКО,
Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети секретари

БЕШ РЕСПУБЛИКА ЭКРАНИ

28 апрель куни Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Маданият министрликлари билан Кинематографчилар союзлари раҳбарларининг учрашуви бошланди. Учрашувда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Қозоғистоннинг экран усталари ҳам қатнашишмоқда. Бу қайта қуриш шароитида миллий кинематографияларни ривожлантириш муаммоларини кўриб чиққан СССР Кинематографчилар союзининг бултур кузда бўлиб ўтган пленумидан кейинги дастлабки шундай учрашувдир.

Учрашувдан мақсад регион кинематографиясини ривожлантириш республикалараро мувофиқлаштириш марказини, «Ўзбекфильм» киностудиясида қурилаётган плёнкаларга ишлов бериш цехи базасида маҳаллий нусха кўчириш фабрикасини барпо этишдан, фильмларни мавзу жиҳатидан режалаштириш масалаларини муҳокама қилишдан, миллий киностудиялар лента лаларини пропаганда этишдан иборатдир.

Йиғилиш аҳли кўп йиллар мобайнида экран усталари кинематографияни халқ хўжалигининг мустақил тармоғига айлантириш зарурлигини исботлаб келишганини таъкидладилар. Бирок республика кинематографияларини Маданият министрлиги ихтиёрига беришга қарор қилинган эди. Шунинг учун ҳам Тошкент учрашуви қатнашчилари миллий кинематографияларнинг давлат бошқармасини тузиш структураси тўғрисидаги масалани кўтариб чиқдилар.

— Кинематография практикасидаги амалий муаммоларни ҳал қила бориб, биз фильм устида олиб бориладиган иш ижодкорнинг инжиқликлари бўлмай, балки ҳаёт ҳақиқатини томошабинга бадиий воситалар билан ҳавола қилиш эканлигини ёдимизда тутишимиз керак, — деб таъкидлади Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари М. Қаюмов. — Миллий ўзига хосликни сақламай туриб, кино инсон ва жамиятнинг ўзини ўзи англашига кўмаклашишдан иборат вазифасини бажара олмайди.

Учрашув қатнашчилари маҳаллий кинофестивалларни тиклаш, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда «Дўстлик» кинотеатрларини ташкил этиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Бу кинотеатрларда миллий студияларнинг фильмлари намойиш қилинади.

(ЎзТАГ).

Газета саҳифаларида

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бир-бирлари билан дўст, қардош. Дўстлик ришталарининг чамбарчас боғланишида мақсадлар муштараклиги, қолаверса ҳар икки миллат урф-одатлари, анъана ва маросимларидаги, тиллардаги уйғунлик, яқинлик асосий омил деб айтиш мумкин. Кейинги йилларда бу дўстлик янада янги мазмун кашф этмоқда, камол топиб, ривожланиб бормоқда. Бундан ҳар икки қардош республика халқлари бирдай манфаатдордирлар.

Қозоғистон ССРнинг Сайрам райони билан Тошкент область Оржоникидзе районининг ўртасида ҳамдўстлик шартномаси имзоланганлигига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Бу шартнома иқтисодий, маданий алоқаларни, бебаҳо бойлигимиз ва маънавий эҳтиёжимиз бўлган дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» ва Сайрам райони «Знамя труда», «Меҳнат байроғи», «Енбек туы» газеталарининг қўшма сони ана шу интернационал дўстликка бағишланди. Унда Оржоникидзе ва Сайрам район партия комитетларининг биринчи секретарлари Г. С. Мирзаимова, А. Шилин, «Қизил Ўзбекистон» колхози бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров, Черноводск маданият уйининг директори Л. Пролагиева ва бошқаларнинг миллий муносабатлар, совет интернационализми, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган материаллари ўрин олган.

Ушбу қўшма сонда ўз материаллари билан қатнашган муаллифлар қалам ҳақларини Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар ва интернационалчи жангчилар хотирасига Қибрай марказида бунёд этиладиган ёдгорлик счетига ўтказишга қарор қилдилар.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

КЎП СМЕНАЛИК АФЗАЛЛИГИ

Фарғона ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-тўқимачилик корхонаси меҳнат аҳли ўз ишини икки сменали қилиб ташкил этган. Натижада ойлик планлар муттасил 110-120 процент адо этилиб, 25-30 минг погон метр ипак газлама планга қўшимча тўқилмоқда. Р. Зокиров, Ю. Мамажонов етакчилик қилаётган бригадалар, С. Раҳматова, Ф. Рамазонова каби илғор тўқувчилар келгуси йил ҳисобига ишлашяпти.

А. ҚУТБИДДИНОВ,

ОЛҚИШ ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Мусинжон Салимов билан Шариф Хушовни фақат 14 автокорхона ишчи-хизматчиларигина эмас, шу билан бирга бутун Пайариқ райони аҳолиси ҳурмат қилади. Олқиш олаётган бу тажрибали ҳайдовчилар ЛАЗ автобусини маҳорат билан бошқариб, қатнов графигига қатъий амал қилган ҳолда ишлаяптилар.

Улар ишлаётган «Самарқанд — Дахбед — Қорақипчоқ — Хўжаисмоил» йўналишидаги йўловчилар, айниқса миннатдор.

Қ. АҲМЕДОВ.

* * *

Шунингдек, Андижон областидан **А. Мамажонов**, Фарғона областидан **А. Иброҳимов**, Сирдарё областидан **Ж. Раҳмонов**, **Ш. Шавқиев**, **Н. Кенжаев**, **Н. Шавқиев**, Самарқанд областидан **Д. Қўлдошев** ҳам илғорлар тажрибаси ҳақида ёзишган.

Бугун — Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни

Дўстлик чегара билмас

Пойтахтимиз Тошкент Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар федерациясининг фаол иштирокчиларидан бири. Бугунги байрам арафасида «Совет Ўзбекистони» мухбири Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Туроб Жўраевич ШЕРМУҲАМЕДОВга мурожаат қилиб, биродарлашган шаҳарлар билан дўстона алоқалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Пойтахтимизнинг турли мамлакатлардаги биродарлашган шаҳарлар билан дўстлик ва маданий алоқалари тобора кучайиб бормоқда, — деди Т. Ж. Шермуҳамедов. — Бунда алоқаларнинг сиёсий мазмунига, тинчлик учун кураш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масалалар ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда, шартномаларда, тинчлик учун мурожаатномаларда ўз аксини топмоқда.

Кейинги йилларда биродарлашган шаҳарлар билан алоқаларнинг самарали усулларидан бири сифатида дўстлик кунларини уюштириш йўлга қўйилди. Бундай тадбирлар Тунис, Марокаш, Триполи, Скопье, Сиэтл шаҳарларида ўтказилди. У чет эл жамоатчилигини республикамиз ва Тошкент шаҳри ютуқлари билан таништириш, Совет ҳукуматининг тинчлик ташаббусларини тарғиб қилиш мақсадини кўзлайди. Бундай тадбирлар биродарлашган шаҳарлар жамоатчилигини халқлар ҳавфсизлигини таъминлаш, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун курашга жалб этишга ҳам хизмат қилаётир.

Пойтахтимизнинг бошқа шаҳарлар билан алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда. Биродарлашган шаҳарларнинг юзлаб корхоналари, муассасалари ва жамоат ташкилотлари шаҳар хўжалигининг турли соҳаларида ҳамкорлик қилишни таклиф қилмоқдалар. Ўтган йили жаҳондаги 20 мамлакатдан 900 та ана шундай мазмунда хат олинди. Ҳозирги кунда Тошкент билан биродарлашган шаҳарлар сони 9 тага кўпайди.

Бундан ташқари Ҳиндистон, Туркия, АҚШ, ХХР, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг турли бошқармалари билан Тошкент шаҳар ижрокомининг ўзаро фойдали ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда ва биргаликдаги корхоналар ташкил этилмоқда. Совет Иттифоқи Дўстлик жамияти ва АҚШнинг Биродарлашган шаҳарлар ассоциацияси ўртасидаги келишувга мувофиқ Совет Иттифоқида шу йили СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарларининг биринчи учрашуви ўтказилади. Ҳар иккала томондан ана шу Учрашувга жуда катта аҳамият берилмоқда. Унда Американинг 50 та шаҳридан ва Биродарлашган шаҳарлар ассоциациясининг 200 га яқин вакили, шунингдек совет шаҳарлари «СССР — АҚШ» ассоциацияси ва жамиятининг 130 га яқин вакили иштирок этади. Учрашувни Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

Шу кунларда Бухоро шаҳри — Санта Фе (АҚШ), Самарқанд — Мюнден (ҒФР), Хива — Эрувилля-Сент-Клера (Франция), Тошкент — Мапуту (Мозамбик) шаҳарлари билан биродарлашишларига розилик олинди.

Республикамизнинг тарихий шаҳри Сармарқанд билан Перунинг Куско ва Тунисниг Кайруан шаҳарлари ўртасидаги мулоқот кучаймоқда. Расмий делегациялар учрашуви йўлга қўйилди. Ушбу шаҳарлар адресига турли адабиётлар, миллий эсдалик буюмлари, табрик телеграммалари мунтазам юборилиб турибди. Кайруан кўчаларидан бирига Самарқанд номи берилган. Самарқанднинг Снёб райони кўчаларидан бири биродарлашган шаҳар номи билан аталмоқда. Бундан ташқари ана шу кўчада шарқона услубда «Кайруан» номли чойхона қурилиб ишга туширилган. 1988 йилда Самарқанд шаҳар делегацияси Кайруан, Куско шаҳарларида бўлди ва у ерда шерикчилик алоқаларини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Самарқандда биродарлашган шаҳар комитети ташкил этилди. Бултур октябрь ойида Бухоро билан биродарлашган шаҳар Кордовада Бухоро кунлари ўтказилди. Республикамиз ва Бухоро шаҳри ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма, зардўзлик ва мискарлик, тўқимачилик буюмлари ҳамда Ўзбекистон рассомларининг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тошкентнинг Патиала, Карачи, Чирчиқ шаҳрининг Асвон, Олмалиқнинг Китве — Нкана шаҳарлари билан алоқалари ҳам жонланмоқда.

Қайта қуриш жараёни давом этаётган ҳозирги шароитда мамлакатимизда социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, янада самаралироқ таъсир этиш учун «Корхона — Фирма» бевосита алоқаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Чет эл шаҳарларининг ижобий тажрибасини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Биродарлашган шаҳарлар турли қитъаларда жойлашган. Лекин дўстлик чегара билмайди. Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорликлар бундан буён ҳам ривожланаверади, дунёда тинчлик, социал тараққиёт учун хизмат қилаверади.

Тошкент 1 Май байрами арафасида.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД, 29 апрель. (ЎзТАГ). Бугун Самарқанд область партия комитетининг пленуми бўлди. Унда область партия ташкилотининг ҳозирги босқичда аграр сиёсатни амалга ошириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Тезислари область матбуотида эълон қилинган доклад юзасидан обкомнинг биринчи секретари А. С. Икромов ахборот берди.

Пленумда область партия комитети комиссияларининг состави тасдиқланди.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

28 апрель куни Тошкентда Совет ва Африка дўстлик жамиятлари вакилларини халқаро учрашуви очилди. Учрашувда тропик Африкадан 24 давлат вакиллари, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзининг активлари иштирок этишмоқда.

Бу СССРда ўтаётган бешинчи ана шундай учрашувдир. Учрашув «Янгича сиёсий тафаккур: Совет— Африка дўстлиги ва ҳамкорлиги» мавзусига бағишланган. Мажлисларда мулоқотларни, маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари, экология муаммолари муҳокама қилинади.

Тошкент шундай учрашув ўтказиш жойи қилиб танланганлиги бежиз эмас. Африка халқлари билан дўстлик совет уюшмаси (САДНА) Ўзбекистон бўлими Африка қитъасидаги 33 давлат билан алоқа ўрнатган. Эфиопияда, Сьера-Леон, Сенегал, Ангола, Конгода ўтказилган Совет Иттифоқи кунларида Ўзбекистон фаол қатнашган. Ҳозирги кунда Тошкент олий мактабларида Африка давлатларидан келган мингдан ортиқ студент таълим олмоқда.

Африка халқлари билан дўстлик совет уюшмасининг масъул секретари Г. Н. Гирев учрашувда САДНА Ўзбек бўлимининг раиси О. С. Аббосовага тинчлик ишига қўшган ҳиссаси учун совет дўстлик жамиятлари союзининг фахрий белгисини топширди.

Шу куниёқ учрашув қатнашчилари Тошкентнинг бош майдонидаги В. И. Ленин ёдгорлиги пойига гуллар ва парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. Меҳмонлар «Ташсельмаш» заводига бордилар.

(ЎзТАГ).

БИЛИМЛАР— ОММАГА

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси пленумининг қатнашчилари мазкур оммавий жамоат ташкилотининг хўжалик ҳисоби шароитида лекция пропагандаси шакл ва усулларини такомиллаштириш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Сиёсат ва экономика маориф ва маданиятнинг долзарб йўналишлари бўйича лекциялар тематикасини кенгайтириш зарурлиги уқтирилди. Бунинг учун халқ университетлари имкониятларидан ҳамда пропаганда ишининг турли шаклларидан: конференциялар ва амалий машғулотлардан, амалий ўйинлар ва мунозаралардан кенг фойдаланиш зарур.

Республика правлениеси ҳузурида халқ университетлари жамоатчилик кенгашини тузиш ва «Лектор» комплекс программасини ишлаб чиқиш, «Лектор ва ҳаёт» журналини нашр этишга киришиш, Бутуниттифоқ «Знание» — «Билим» нашриётининг бўлимини тузиш таклиф этилди.

(ЎзТАГ).

Халқ билан бамаслаҳат

ТОШЛОҚ БАҲОРИ

Районда уй-жой қурилиши кўлами ва суръати тобора ошиб бормоқда

Сўнгги пайтларда Тошлоқ район ижрокоми, унинг архитектура бўлими ва қурилиш ташкилотларига қўшни районлардан кўплаб меҳмонлар келадиган бўлиб қолди. Маълум бўлишича, уларнинг деярли барчаси қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, шу соҳа мутахассислари, архитекторлар экан. Хўш, бу таширифнинг боиси нимада?

Гап шундаки, район партия, совет ташкилотлари халқ билан бамаслаҳат иш тутиб, уй-жой муаммосини ҳал этишнинг энг мақбул йўлини тутмоқдалар. Бу масалага қаловини топиб ёндашилаётганлиги сабабли уй-жой қурилиши ташвиши билан юрган юзлаб хонадонлар соҳибларининг ишлари жўнашиб кетди. Қисқаси, район қишлоқларида ҳовли тўйларининг кети узилмай қолди. Районда 2000-йилга бориб, ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй-жой билан таъминлашнинг конкрет плани ишлаб чиқилди. Баъзи қийинчиликларга қарамай, бу тадбирлар амалга оширилиши учун кенг миқёсли ишлар бошлаб юборилди.

Фарғона областида чиқадиган «Коммуна» газетаси ўзининг бутун бир саҳифасида тошлоқликлар бошлаган шу хайрли иш ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. Юқорида биз эслатиб ўтган меҳмонларни районга шу хайрли ишларни ўрганиш истаги бошлаб келган эди...

Район партия комитетининг биринчи секретари Одилжон Собировнинг Тошлоқда иш бошлаганига энди икки йил бўляпти. Дастлабки кунлардаёқ қабулига йигирматадан одам кирган бўлса, шуларнинг тенг ярми уй-жой масаласида эди. Улар аҳвол ғоят танглигини айтиб, ер участкаси ёки бўлмаса, қурилиш материали беришни сўрашарди. Ижроия комитетида ер участкаси сўраб ёзилган 700 дан кўпроқ ариза тахланиб турарди...

Шунча аризачининг талабини бирдан қондириб бўладими? Бу масалада кўп бош қотиришга тўғри келди.

Ўша кунларнинг биридa райком секретари райижроком раисининг қурилиш ишлари билан шуғулланувчи муовини Сотволди Қосимов, район бош архитектори Усмонжон Тошматов ва бошқа мутахассисларни олиб Найман қишлоғи томон йўлга тушди. Йўлда қишлоқ Совети раиси ҳамроҳ бўлди. Улар таваккал қилиб бир уй эшигини қоқиб, ичкари киришди. Ҳовлида ёши ўтиброқ қолган киши товуқларга дон бераётган экан. У кутилмаган меҳмонларни кўриб аввал ажабланди, кейин сўрига таклиф этди.

Қишлоқ Совети раиси хонадон соҳибига меҳмонларни бирма-бир таништирди.

— Э, хизирни йўқласам бўларкан! — деди хурсанд бўлиб уй эгаси, кейин муддаога ўтди. — Ўғлим яқинда армиядан келади, унга уй-жой қилиш керак. Аризам неча йилдан бери жавобсиз ётибди. Шунга...

— Гапингизни тушундим оқсоқол, — деди секретарь, — ҳовлингиз кенг-мўлгина экан-а?

— Кенг, мўл... Хўш?

— Айтайлик, ҳовлининг у бурчагигами, бу бурчагигами, ёшларга атаб битта уй қурсангиз, қисилишиб қолмайсизларми?

Мезбон бироз ўйланиб қолди. Кейин ўйчанлик билан:

— Йўқ; қисилишиб қолмаймиз, Томорқагаям путур етмайди ҳисоб... Лекин...

— Тортинмай гапираверинг, — далда берди секретарь.

— Ёғоч, тахта, шифер қаҳат. Номини эштамиз холос. Шуларга зориқиб қолмасак...

— Бу ёғини бизга қўйиб берасиз. Истасангиз, ссуда ҳам оласиз. Келишдикми, омон бўлинг!

Уй эгаси меҳмонларни кузатиб чиқаркан, тўсатдан гап қотди:

— Илгариям район раҳбарларини кўп кўрганман. Фақат далада. Гаплар «Пахтани қачон суғорасан, нега ўт босди, теримга қачон тушасан»дан нарига ўтмасди. Бирортаси тиричилигинг, уй ичинг қалай деб сўрагани билмайман. Остонамдан ўтиб, ҳол сўраганларинг учун раҳмат!

Қишлоқдаги бошқа хонадон эгалари билан бўлган мулоқотларда ҳам уй-жойга муҳтож одамлар ортиқча томорқалари ичига уй қуришга рози эканликлари маълум бўлди. Шундай қилиб, ички имконият ва резервлар ҳаракатга келди. Найман қишлоқ Совети депутатлари ва аҳолисининг бу борадаги тажрибаси кўп ўтмай бутун районга тарқалди.

Ҳисоб-китоблардан шу нарса маълум бўлдики, ўтган йилнинг биринчи ярим йилигача шахсий томорқасидаги ортиқча жойга уй қуриш имкони бўлган 713 хонадон бор экан. Уларга керакли миқдорда ёғоч-тахта, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари ажратиб бериляпти. Эски ҳовлиларда янги бинолар қад кўтаряпти.

Изланишда гап кўп

Район архитектура бўлими ва қурилиш ташкилотларида литвалик совхоз директори Зигмантас Докшас ва архитектор Станислав Калинканинг номлари тез-тез тилга олиниб туради. Улар «Партия XXV съезди» совхозидаги янги посёлка қурилишида ўзига хос архитектуралари учун ўтган йили Ленин мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлишган эди. Бу посёлканинг архитектурасидаги ўзига хослик шундаки, юздан ортиқ янги бинонинг қурилиши бир бирига ўхшамайди. Ҳаммаси — ўзига хос...

Архитектура бўлимида «Биз ҳам баҳоли қудрат шу йўлдан борсакчи» деган фикр ўртага ташланди. Шу мақсадда бўлим қошида хўжалик ҳисобида ишлайдиган группа ташкил этилиб, унга беш нафар малакали инженер ва архитектор жалб этилди. Группа ҳар бир қишлоқда бош план бўйича қурилиладиган уйларнинг ҳар хил шарқона лойиҳаларини ишлаб чиқди. Уй-жой қуриш истагини билдирганлар шу лойиҳалардан бирини танлашади ва ана шу лойиҳага биноан уй-жойнинг паспорти белгиланади. Бу паспорт комплекс программа ишлаб чиқилди. Шунга кўра, 2000 йилгача район бўйича 1 миллион 270 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиши планлаштириляпти. Ана шу уй-жойнинг 87 проценти якка тартибда, аҳоли кучи билан қурилади. Шу беш йилликнинг ўзида 252 минг квадрат метр, келгуси беш йилликда 450 минг квадрат метр ҳажмда турар жой барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Бу рақамлар қилинажак ишлар ҳажми ғоят катта эканлигини кўрсатиб турибди. Бунинг уддасидан чиқиш учун тадбиркорлик, топқирлик ва қатъият зарур. Район партия, совет ташкилотлари, депутатлари бу ишга бош вазифалардан бири сифатида қарамоқдалар. Ҳамон жиддий бўлиб турган қурилиш материаллари муаммосини ҳал этишнинг турли йўллари топилмоқда. Чунончи колхозлар базасида хом ғишт қуядиган хўжалик ҳисобидаги бригадалар қарийб 1 миллион дона ғишт етказиб берди. Район территориясидаги катта майдонда Фарғона иссиқлик электр станцияси чиқити бўлмиш «кул» уюмлари ястаниб ётибди. Ана шу чиқиндини цемент билан аралаштириб, арзон ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Агрокоммунремонт» корхонаси эса, бир сменада 40 кубометр сувоқ лойи ҳозирлаб бермоқда. Соатига 20 кубометр қоришма ишлаб чиқариладиган бетон узели ҳам ишга туширилди.

Ҳозир райондаги 8 колхоздан 7 тасида кооператив қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида кооперативлар кучи билан 38 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қуриб берилади.

Аҳолини уй-жой билан тўла таъминлаш учун ҳали унча-мунча қийинчиликларни енгиб ўтиш, бу борада қулочни кенгроқ ёзиш керак бўлади. Шундай қилиняпти ҳам. Масалан, Тўхтабоев қишлоқ Советидаги Қалача, Бирлик қишлоқ Советидаги Стаханов участкаларида бош план асосида замонавий посёлкалар бунёд этилади. Ҳар бири 200—250 хўжаликка мўлжалланган бу посёлкаларда мактаблар, болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар, ҳаммомлар, ошхоналар, савдо ва бошқа объектлар қурилади. Ҳозирги кунда Тошлоқ районидаги 17 минг хонадон учун 15 минг квадрат метр ҳаммом, 12 минг квадрат метр ошхона, 10 минг квадрат метр савдо ва 3 минг ўринлик мактаб ишлаб чиқилмоқда.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

ҲУКМ УСТИДАН ҲУКМ

Суд очерки

2. ПОЛКОВНИКНИ НЕГА ҚАМАШДИ?..

Полковникни қамашди... Унинг «уч юлдузли» милиция формасини ер остидаги махсус изолятор остонасида юлқилаб ечдилар-да, муз нафаси уфуриб турган камерага итариб юборишди. Хўш, шундай жазо учун қонуний асослар борми, етарлимиди? Терговнинг нияти холисмиди, ишончи комилмиди? Судга раислик қилган А. Овсенюк дастлабки тергов «карамат»ларини тасдиқлабгина қолмай, уни бирталай янги «кашфиётлар» билан бойитди: «Биринчидан, Тожихоновнинг 2000 сўм пора берганлиги Қаҳрамоновнинг барқарор (!) кўргазмалари билан ўз тасдиғини топган» эмиш... Иккинчидан, «Қаҳрамонов республика ички ишлар министрининг кадрлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган даврида унинг ташаббуси билан Тожихоновга нисбатан бирон-бир салбий материалга йўл қўймаган» эмиш...

Сўрашга руқсат этинг, муҳтарам ўртоқ судья, бунинг нимаси «далил» бўлди? Демак, бизни ёмон кунлар ва турли хил шубҳалардан асраши учун ҳаётда «салбий материал»лар ҳам бўлиб туриши керак экан-да?

Аксҳолда худо кўрсатмасин, сизнинг чангалингиз етган жойда бегуноҳ одамларнинг бошида қандай қора булутлар чарх уриши мумкин экан-а?! Наҳотки, «барқарор» деб байроқ қилинган кўргазма «ялангочлиги» ҳам, сизни шубҳага сололмаса? Наҳотки, адолатсиз қарорингиз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан ўқилаётгани ҳам сизни сергак торттирмаса?!

Шу ўринда тергов Москвадаги Леофортово турмасидаги махсус «жиҳозланган» изоляторда Қаҳрамоновдан ундирилган ушбу кўргазмани ҳам назарда тутмоқ керак: «Тожихонов билан на фақат қўшни эдик, кўп йиллик дўст ҳам эдик, орамиз яқин бўлганди ва ҳоказолар...» Унга ишонсак «Қаҳрамонов Тожихоновни ҳар соҳада қўллаб-қувватлаб келган» эмиш. Ахир биз Қаҳрамонов қўлидан Тожихоновга нисбатан озмунча «салбий материаллар» ўтмаганини ҳам биламиз-ку. Ўнлаб одамларнинг гувоҳлиги шуни тасдиқламайдими? Шахсан Қаҳрамонов имзо чеккан ва оқибатда Тожихоновнинг аввал ишдан тушишига, сўнгра бутунлай ички ишлар органларидан «қувиш» режасини тузган ҳужжатларни наҳотки бизга «ижобий материал» деб ишонтирмоқчи бўлсалар? Шу сабабли суднинг бундай «кашфиётларга изоҳ ҳам ортиқча деб ўйлаймиз.

Фактларга мурожаат қиламиз. Хўш, икки полковник қаётда аслида қандай ўзаро муносабатда эдилар? Ҳаёт мутлақо тасдиқан уларнинг тақдир йўлларини кўп жиҳатдан бир-бирига яқин, ёнма-ён яратганди. Улар тенгдош, бир пайтда туғилишган, бир пайтда Марказий Комитет аппаратида ишлашган, бир кунда янги ўйга кўчишган. ва... ёнма-ён қўшни эдилар. Ҳозир ҳам! Агар шу кўрсаткичлар улар тақдирига асос қилиб олинса, тергов уларни «эгизаклар» деб даъво қилиши, суд эса тасдиқлаши турган гап. Улар чиндан дўстмиди, бир-бирига яқинмиди?

Тожихонов: «Қаҳрамонов билан бизнинг муносабатларимиз бирга ишлашган 1972 йилдан ёмонлашган ва ғайрилик тусини олган эди...» — деб турса ҳам, қолаверса, ишнинг қалин томларида турган юзлаб холис гувоҳларнинг кўргазмаларига мутлақо зид ўлароқ, тергов ва суд уларни «тўғилгандан бўён апоқ-чапоқ эди» деб «исботлайди»?!

М. Султонов: — Ички ишлар министрининг ўринбосари (қўшни): «Қаҳрамонов билан Тожихоновларнинг оралари ёмон эканлигини ҳамма биларди. Бир сафар бизнинг уйда ўтириш бўлди. Бизнинг меҳмонимиз бўлган Қаҳрамонов билан Тожихонов балконга чиқишиб, қизишиб, бир-бирини ҳақорат қила кетишди...»

Гувоҳ З. Алиев (қўшни): «Тожихонов билан Қаҳрамонов бир-бирларини кўрарга кўзлари йўқ эди. Бир сафар ҳовлида қўшниларникида тўй бўлди, улар хатто тўйда ёнма-ён ўтиришни истамадилар...»

Гувоҳ А. Ҳакимов (қўшни): «Бизнинг ҳовлида бўлган тўйда ҳам шундай бўлди: Қаҳрамонов келиши билан Тожихонов ўрнидан шарт туриб, тўйни ташлаб кетди...»

Гувоҳ В. Селиверстев (ички ишлар министрининг ўринбосари): «Уларнинг оралари чатоқ эди. Бунинг сабабини сўраганимда, Тожихонов «Қаҳрамонов — тоза одаммас». деб жавоб қилганди...»

Гувоҳ А. Расулов (қўшни): «Сабабини билмайман. Лекин кап-катта икки одам бир-бири билан салом-алик қилишмасди...»

Айбланувчи У. Тожихонов: «1977 йилда бахтсиз тасодиф билан олти ёшли қизчамиз Муҳаббат вафот этганда ҳам уйимизга кирмаган ёлғиз қўшнимиз — Қаҳрамонов бўлди...»

Қаҳрамонов ишга баҳо бериш ушбу очерк мақсадига кирмаганлиги учун ҳам бу борадаги савол-жавобларга нуқта қўйиш лозим бўлади. Бунинг камида яна икки муҳим сабаби ҳам бор: Биринчидан, Қаҳрамонов иши алоҳида тадқиқ этишни тақозо этади. «Тожихонов воқеаси» сунъий ясалган жиноий уйдирманинг юздан бири, холос. Қолаверса, СССР Прокуратураси судга тақдим этган ҳамма айбномалар юзасидан СССР Олий суди Қаҳрамоновни тўла оқлаганининг гувоҳимиз! Биз бу оқлов йўлини ёритишга алоҳида қайтамиз. Чунки оқлов ҳар қандай шубҳалардан ҳоли бўлишига қарамай, унинг охирига етмаган яна бир томони бор: бегуноҳ инсон тақдири ҳақида чуқур ўйлашни «Известия» газетасида (2 апрель 1989 йил, «Шоҳона усулни қўмсаб») журналист Юрий Феофанов ўринли таъкидлаган.

Бундан тўрт-беш йил бурунги Қаҳрамоновни кўрган, билганлар уни ҳозир таниёлмаслиги мумкин... Сочлар тўкилиб, кўзлар ҳиралашган. Икки ўғли ота бошига тушган маломатларни кўтаролмай ариза ёзиб, барвақт армияга жўнаб кетишди... Иқболхон эри билан бирга курашди, эндиги эса оғир ҳасталикни орттириб ҳам олди. Уларнинг уйида эса оталари Қаҳрамон аканинг (у Фарғона каналининг чин қаҳрамони эди!) Кремлда мамлакат оқсоқоли М. И. Калинин ва Усмон Юсупов ўртасида ўтириб тушган тарихий суврати деворда ҳамон осиғлиқ. У ўғли бошига бемавруд тушган оғир тақдирдан тош қотган кўринади. Қаҳрамонов ёлғиз қолганда тез-тез Кремль бағридаги отасига термулади... Демак Совет давлатига ишончи сўнмаган, Лекин унинг номидан иш кўраётганларга-чи?

Ушбу очерк қоғозга тушаётган кунда мен Қаҳрамоновдан сўрашимга тўғри келди: «Мен на суд, на тергончиман. Энди айтингчи, аслида Тожихонов қандай одам?» У ҳеч иккиланмай жавоб қилди: «Тожихонов ҳалол одам, энг муҳими, мард одам! Менинг олдимда унинг гуноҳи йўқ. У ҳам мени тўғри тушунса бас!»

Қаҳрамонов шундай «олижаноб» одамми, дерсиз. Тожихоновнинг бошида уч йил ва ундан кўпроқ чарх урган қора булутларда наҳотки унинг қўли йўқ? Унда Қаҳрамонов ўзи «тан» олган» 2000 сўм пора-чи? Ёки полковниклар даражасида бу пора саналмайдими? Тергов ва суд орқада қолиб, ҳамма лойқа сувлар оқиб ўтган, тинган кунда Қаҳрамонов ўз «иқрор»ни қандай баҳолайди? Ахир шу «иқрор» унинг «дўсти ва қўшниси» Тожихоновга арзонга тушмади-ку? Ўқувчи менга минг бора кечирсин, савол ҳақ ва муқаррар эди, лекин мен уни бош эгиб турган Қаҳрамонов сўраб олмадим, сўрашга ботинмадим. Қолаверса, жавоб шундоқ ҳам аён эмасми? Лекин мен Қаҳрамоновнинг қандай жавоб қилишини олдиндан қаромат қилолмайман, лекин ҳамма гуноҳ унинг бўйнидами? Ахир муқаддас қонуларимизнинг «посбонлик бурчи» қаёқда қолди? Ахир ҳар қандай даъвогар шахснинг «шахсий иқрори» охир-оқибатда ҳақиқий ҳолатнинг узил-кесил ифодаси бўлгандагина ҳақиқатга айланмайдими? Қонунда ана шундай-ку? Қолаверса, биз шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлат қуриш учун курашмиямиз? Ахир Сталин даври қатағонларининг бош қонуншуноси қонхўр Вишинскийнинг «ижоди» бўлган «шахсий иқрор» якка ҳокимлигини худди шунинг учун лаънатлаяпмиз-ку! Ахир 1937 йил ва ундан кейин ҳам пешонасига «халқ душмани» ёрлиғи ёпиштирилган минглаб бегуноҳ кишиларнинг ҳам «шахсий иқрори» бўлган эди-ку! Ахир қачонгача бир ярамас усулларни бир томондан лаънатлаб ва қоралаб, иккинчи томондан қўллайверамиз? Ахир қачонгача олдин оммавий қоралаб, обдон қора балчиққа ботириб, кейин битта-битта оқлашга тушамиз?! Шунда ҳам минг азоб билан оқланганлар номини баралла айтишга чўчиб юрамиз? Ахир қачонгача?!..

Қаҳрамоновнинг оқланганлиги рост, лекин унинг виждон азоби йўқ дея оламизми? У дастлабки тергова берган «пора» кўргазмасини ҳаётдаги ҳақиқий ҳолатлар билан солиштирганимизда нималарни кўрамиз? Биз яна терговнинг ўзида мавжуд бўлган ҳужжатларга мурожаат қиламиз: «Мен 1979 йил охирида министр ўринбосари қилиб тасдиқландим, лекин касалхонага тушиб қолганим туфайли хизмат вазифамга 1980 йил 15 январдан киришишимга тўғри келди...» Тергов ва суднинг айблов ҳужжатларига суянар бўлсак, Тожихоновнинг шаҳар милицияси бошлиғининг ўринбосари бўлиб тайинланиши унинг «дўсти ва қўшниси Қаҳрамонов туфайли бўлган...», деган таъкидни кўрамиз. Аслида-чи? Расмий ҳужжатда эса Тожихоновнинг бу вазифага тайинланиши ҳақидаги тақдимномага министр Эргашев 7 январда имзо чеккан ва Қаҳрамонов ишга тушганда Тожихонов аллақачон янги вазифада эди-ку! Қолаверса, шаҳар ИИБ бошлиғининг муовини вазифаси партия-совет ташкилотлари номенклатурасига кириши ҳам сир эмас, улар билан келишиб олиш жараёнинг ўзида камида бир ой кетиши назарда тутилса, Тожихонов тақдири анча муқаддам ҳал бўлганини кўрамиз. Демак, унинг янги вазифага тайинланишида «дўсти ва қўшниси» қўлган ҳисса уйдирмадан бошқа нарса эмас. Нари борса, улар ўртасида мавжуд бўлган «дилкушолик» тахмини кимга ва нимага керак эди? У аслида дастлабки тергов томонидан тўқиб чиқарилган уйдирмани сунъий тасдиқлаш учунгина хизмат қилмасмиди?

Ҳақиқат қошида танг қолган тергов янги-янги «кашфиётларни» ишга соларди: «Қаҳрамонов мансабда турган даврида Тожихоновнинг юксак унвонга сазовор бўлиши бекорга юз бермаган...» Гап нима ҳақда бораётганлигини билган министр ўринбосари В. Селиверстев судга гувоҳлик беради: «Тожихоновга «Ички ишлар министрлигида хизмат кўрсатган ходим» нишонини мен таклиф қилганман ва унинг барча ҳужжатлари менинг қўлимдан ўтганди...»

Начора, А. Овсенюк раислик қилган суд мажлиси ўнлаб, юзлаб гувоҳлар кўргазмасини ҳам, қолаверса, ҳаёт ҳақиқатининг нафасини ҳам бир четга итқитиб, фақат даъвогарнинг «шахсий иқрори»ни ёлғиз «ҳақиқат тимсоли» деб туриб олди. Мана шу «ҳақиқат тимсоли» билан боғлиқ яна бир қолат эътиборга молик деб ўйлаймиз. Маълумки, Қаҳрамонов ўз «шахсий иқрори»ни оғир вазиятда — махсус изоляторда 9 ой ётгандан сўнг ёзди. Келтирилган «факт» эса 5 йил муқаддам юз берган ва ҳар қандай учинчи гувоҳдан қоли бўлган ҳолатни «тасвирлайди». 1986 йил 3 январда шу тахлитда пайдо бўлган «шахсий иқрор» асосида Тожихонов 6 март куни қамоққа олинди...

Тергов хато қилибди, суд-чи, нега у бундай қалтис ишга қўл урди? Суд Хўш, Овсенюк раислигида ўтган судда нималар бўлган эди ўзи? Қаҳрамонов изолятор шароитида ноилож қолган экан, судда мардлик қилиши мумкинмиди? Орадан 3 йил ўтиб, энди буни кимдан ҳам сўраш мумкин? Бугун қариб 4 йил қамоқда сақланиши ноҳақ топилиб, оқланган Қаҳрамоноваданми? Яна унинг ўзидан «шахсий иқрор» талаб қилиш инсофданми? Яхшиси, бу ҳолатларни чуқур ўрганган З. Насриддинов раислигида шу йил март ойида ўтган суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан жавоб топиб бўлмасмикан?

Йўлдошев ва Қаҳрамоновнинг судда берган гувоҳлигидан: «Афсуски бундай имкониятдан биз маҳрум эдик... Бизни судга махсус «кузатувчилар» олиб келишганди...»

Судья **З. Насриддинов:** «Бу қандай кузатув? Аниқлик киритишингизни сўрайман!»

Гувоҳ **Р. Ҳасанов**, Тошкентдаги махсус изолятор ходими: «Йўлдошев ва Қаҳрамоновни судга одатдаги конвой машинасида эмас, прокуратуранинг ГАЗ—24 «Волга» машинасида олиб келишарди. Маҳбуслар суд залида ҳам уларнинг кузатуви остида бўлишарди...»

Дастлабки судда «гувоҳлар»нинг мустақиллиги таъминланмаганлигини махсус изоляторнинг бошлиғи Суздальцев ҳам тасдиқлайди.

Прокуратура «гувоҳлар»ни кузатар экан қонун манфаатига соқчилик қиларди, деб айта оламизми? Тожихонов бу «сирли конвой» ҳақида биринчи суд мажлисидаёқ ёзма норозилик билдирди. Лекин А. Овсенюк «бунинг аҳамияти йўқ, ким кузатса кузатаверсин, бир мустақил бўлсак бўлди-да» деб уни инобатга олмади. Афсуски, соқчилар на фақат «гувоҳлар»ни, балки судни ҳам «асир» олиб улгурган эди... Бу ҳақда Йўлдошевнинг шу йил 6 март куни ўз қўли билан Тошкент шаҳар судига ёзган хати шундан далолат беради.

«...Мен 1985 йил октябрь ойида собиқ министр Ҳ. Яхёева пора берганлигим ҳақида ўз ихтиёрим билан СССР Прокуратурасига ариза билан мурожаат қилганман. Лекин аслида Октябрь ошхоналари трести иши бўйича қамоқда олиндим. Изоляторда мен билан терговчи Лаптев, Логинов, Савиновских ва бошқалар бир неча марта учрашдилар ва мени оғир жазо кутаётгани ҳақида огоҳлантирдилар. Натижада терговга ёрдам беришга ундаб, Тожихоновга қарши кўргазма бериш шартини қўйдилар. Мен ноилож рози бўлдим, лекин судда бу «сир»ни очиб ташлаш мақсадида ҳар доим Тожихоновнинг хизмат кабинети ва бино қаватларини атайлаб чалкаштириб кўрсатиб келдим. Бироқ прокуратура терговчилари менга судда бор ҳақиқатни айтиш имкониятини беришмади, мен яна чорасиз қолдим. Терговда ижозат этилмаган ва тилга олиб бўлмас усуллар мавжуд...»

Хўш, Гайданов, Савиновских, Овсенюк ва бошқаларнинг қонунбузарлиги ва мутлақо масъулиятсизлиги оқибатида юз берган бедодликни наҳотки сўрайдиган ҳеч ким йўқ? Модомики, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бири Москва — Леофортово турмасида, иккинчиси Сибирда — Иркутск турмасида, учинчиси Олмаота турмасида йиллаб ҳақиқатнинг йўлига илҳақ термулган экан, қонунбузарлар қўлига тушган оддий кишининг ҳоли нима кечади? Охирги чора — тақдирга тан беришми? Ҳамма ҳам Тожихонов ва Қаҳрамоновлар каби тақдирга тан бермаслик йўли — кураш ва фақат кураш эканлигини биларми-кан? Бироқ бу кураш йўлида ҳуқуқ муҳофазаси — милиция, прокуратура, суд идораларини занг каби кемириб, чирмовиқ каби ўраб, зарпечак каби илдиз отиб кетган қоғозбозлик, лоқайдлик, тўраларча муносабат ғовларини енга оламизми? Қайта қуриш тақдири ҳам аслида шунга боғлиқ эмасми? Ҳуқуқий давлат ҳам аслида ана шу кураш пойдевори устига қурилмайдими? Шунинг учун ҳам эндиликда бу курашдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У бизнинг умумий курашимиз! Қонун ва ҳуқуқ йўлидаги бу кураш айни пайтда жамиятимиз келажаги учун ҳам кураш демакдир. Қайта қуриш ғалабаси учун фидойилик даркор, ўздан кеча олиш лозим! Бошқача йўл йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас! Бир-биримизни овутишга ҳожат йўқ. Партиямиз қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичидаги вазифани ана шундай қўймоқда!

Афсуски, «қайта қуришни» фақат қоғозда ясаётганлар ҳам оз эмас. Қонунбузарлар томонидан топталган тақдирлар дод-фарёди бу қоғозлар хирмонида кўмилиб кетмоқда. Бу эса айни пайтда ҳақиқатнинг кўзига чўп солишга хизмат қилиб, қонунбузарларга ҳам қўл келиб турибди. Кимнидир «қизартириш» эмас, сабоқ бўлармикан деган холис ният ана шундай хатлардан бир неча намуналар келтиришга ундайди:

«Иркутск турмаси бошлиғига! ...Маҳбус Тожихоновга шуни маълум қилишингизни сўраймакки, унинг ноҳақ қамоқда ўтиргани ҳақида СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, СССР Бош прокурори, СССР Олий суди, «Литературная газета»... ва бошқаларга ёзган шиноят хатлари Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан атрофлича кўриб чиқилди... Тўққиз йил кучайтирилган режимли қамоқ жазосига ҳукм этилган Тожихонов У. нинг келтираётган далиллари асоссиздир. Унинг айб. дорлиги тергов ва суд материал. лари томонидан тўла тасдиқлан. ган... Шу сабабли Тожихоновнинг шиноят аризалари эътиборсиз қол. дирилди... Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. Добронравов. 1987 йил 28 июль».

«Тошкент шаҳри, Ц—13. 39/22 Тожихонова Муборакка... Сизнинг эрингиз Тожихонов У. асоссиз айбдор бўлгани ҳақидаги хатин. гиз кўриб чиқилди. Тожихонов. нинг жиноий хатти-ҳаракатлари ишдаги материаллар билан ҳамда унга пора берган Йўлдошев ва пора олган Қаҳрамонов ҳамда иш юзасидан гувоҳлар Ж-ов, Қо. симов, (афсуски, бундай гувох йўқ эди!—ред) кўргазмалари би. лан тўла исботланган. Тожихонов. нинг жиноий жавобгарлиққа тор. тиш ҳақидаги қарор билан Ўзбе. кистон ССР Прокуратураси рози бўлган... Ўзбекистон ССР прокуро. рининг ўринбосари юстиция натта маслаҳатчиси С. Мирса. фаев. 1988 йил 13 апрель».

«Адвокат Б. Круглова!... Сиз. нинг Тожихонов иши юзасидан келтирган аризангизни кўриб чи. қиб, шуни маълум қиламанки, жиноий иш юзасидан ҳукмни тўх. татиш учун протест келтиришга асос йўқ. Тожихоновнинг жиноий айбдорлиги ишдаги материаллар билан тўла исботланган. Сизнинг Йўлдошев, Қаҳрамоновларнинг Тожихоновга нисбатан қасддан кўргазма берганн ҳақидаги кел. тирган далилларингиз асоссиз деб биламан. Шиноят хатингиз қониқарсиз қолдирилди... Ўзбекис. тон ССР Олий Судининг Раиси С. Янгиталиев. 1988 йил 25 май».

Бундай лоқайд жавоблар 200 дан ортиқ, улар бир ўйнинг шифтига етади. Айрим жавоб хатларига илова бўлиб қайтган ҳужжатлар, фарёдларнинг ҳар бири — 500—600 варақдан иборат эди...

«Мадалиев Тожихонга!.. Сизнинг ўғлингиз Тожихонов Убайдулла. нинг туҳмат қурбони бўлиб, но. ҳақ қамалгани ҳақида КПСС Мар. казий Комитети, СССР Олий Сове. ти Президиуми, СССР Бош проку. рори, СССР Олий суди... ва бошқа адресларга ёзган шиноят аризан. гиз кўриб чиқилди. Ўғлингиз То. жихонов У.га суд белгилаган жазо республика прокуратураси томо. нидан асосли деб топилган. Шу. ни эслатиб ўтамизки, тергова йўл қўйилган камчиликлар суд қаро. рини рад этишга асос бўолмай. ди. ИЛОВА: қайтариб юборилган ҳужжатлар — 562 бет.

Ўзбекистон ССР прокурори ва. зифасини вақтинча бажарувчи Қ. Розиқов. 1988 йил 3 июнь».

Начора, келган жавоблардан бири Тожихоновлар оиласи, қолаверса, фарзандлари бошини урмаган остона қолмаганидан шоҳидлик беради: «Тожихоновлар оиласига! Сизларнинг отангиз Тожихонов Убайдулланинг тақдири хусусида ёрдам сўраб ёзган хатларингиз бизнинг маҳкамамиз ваколатига кирмаслиги учун таассуф билдирамиз ва сизларга ҳамдардлик билан: ООНга ҳамкорлик қилиш СССР Ассоциациясининг масъул секретари: С. Грибов. 1988 йил 7 июнь».

Лоқайдлик уммонида сузиб юрган хатлар ичида яна бир мактуб борки у аслида ҳамма хатларга ўхшаш, лекин унинг тақдири бошқача бўлди. У на фақат Тожихонова, балки кўпларга, ҳаммамизнинг қалбимизга яна бир бор буюк ҳақиқатга умидворлик учқунини солса ажаб эмас.

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига... Мен бир гу. руҳ қонунбузарларнинг уюшган ҳамкорлиги туфайли 9 йилга ке. силиб, уч йилдан бўён қамоқ жазрини тортмоқдаман. Ўз пайти. да менинг шахсий ташаббусим билан фош этилган бир гуруҳ ашаддий жиноятчилар мендан ана шундай ўч олишди. ...Қонундаги қонунбузарлар эса уларга кўмак. дош бўлдилар... Мен Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг партия контроли комиссиясидан ҳа. қиқатни юзага чиқаришда ёрдам сўрайман... Ноҳақ қамалиб, ноҳақ КПСС сафидан ўчирилган: У. То. жихонов. Иркутск қамоқхонаси, 1988 йил 30 апрель».

Яқинда Тошкент шаҳар судининг суд ҳайъати бу ишни чуқур ва атрофлича кўриб чиқди.

Тожихоновга охирги сўз берилди. Шунда тасодифан юрист танишим қулоғимга шивирлади: «Мана кўрасиз, Тожихонов суд ва терговга нотўғри кўргазма берган Йўлдошев ва Қаҳрамоновларни энди ЎзССР Жиноят кодексининг 112-, 160-моддаларига биноан жиноий жавобгарликка тортишни суддан талаб қилади. Ҳақи бор-да?...» Лекин Тожихонов аксинча суддан уларнинг гуноҳини авф этишни илтимос қилди! Шунда тош қотган залда кутилмаганда қарсак янгради... Ҳа, бу суддаги муножот эди! Уни шоирона тавсифлаш учун яна бир Абдулла Орипов керак эди! Тожихонов бу кўргазмаларни тергов ва изолятор найранглари қошида чорасиз ҳолда битган Йўлдошев ва Қаҳрамоновга бермади, балки унинг ҳақиқий «ижодкорлари» — Гайданов, Лаптев, Савиновских, Овсенюкларни жавобгарликка тортишни талаб қилди! Бу — жабрланувчининг талаби, албатта, биз қонун ишига аралашмаймиз, аминмизки, бизнинг мамлакатда суд — мустақил... Айбдорни аниқлаш ва жазолаш масаласини суд мустақил ҳал қилади! Лекин орадан шунча кунлар ўтганига қарамай, биз, на шаҳар суди, на республика Олий суди ва прокуратураси коммунистларининг, партия ташкилотининг овозини, муносабатини эшитмаётганимизга ҳайронмиз! Ўйлаймизки, энди уни газетхон ҳам кутади!

Суддан расмий жавоб ҳам келди: шаҳар судининг 1989 йил 28 мартдаги ҳукми билан Ўзбекистон ССР ЖК 153- қ.-2, 17—153 қ.2 ва 210 қ.1 моддаларига биноан пора бериш ва пора олишда воситачилик қилиш ҳамда қонунга зиддиятда қурол сақлаш бўйича айбланган Тожихонов Убайдулла ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмагани учун оқланган ва суд мажлиси залидан озодликка чиқарилсин. Мол-мулкини мусодара қилиш ҳаракатлари бекор қилинсин. Ҳукм 1989 йил 7 апрелдан кучга кирган деб ҳисоблансин ва уни бетўхтоб бажариш таъминлансин. Раислик қилувчи: З. Насриддинов, 10 апрель 1989 йил».

СУДНИНГ «ХУСУСИЙ АЖРИМ»И ДАН: «... суд мажлиси ушбу ишни кўриш жараёнида дастлабки тергов бир томонлама ва айблаш йўлидан олиб борилганлигини аниқлади. Республика прокурорининг ўринбосари О. И. Гайданов айбланувчи У. Тожихоновни қамоққа олиш учун етарли асос бўлмагани ҳолда материаллар билан чуқур танишмасдан, ўзи билан суҳбатлашмасдан ва жиноий ҳаракатда шубҳа қилувчини шахсан сўроқ қилмай туриб, қамоққа олиш ҳақида санкция берган ва бу билан Ўзбекистон ССР ЖПК 78 1 моддаси талабларининг бузилишига йўл қўйган... Қаҳрамонов ва Йўлдошевга нисбатан тергов ман этилган усулларда олиб борилган... Социалистик қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйгани ва Тожихоновни қамаш ҳамда қонунга ҳилоф равишда жиноий жавобгарликка тортишда айбдор бўлган шахсларга чора кўришга республика прокурорининг эътиборн қаратилсин. Ажримнинг бир нусхаси СССР Бош прокурорига маълумот учун юборилсин. Раислик қилувчи — З. Насриддинов, халқ маслаҳатчилари Г. Прозоров, Ш. Абдуқаҳҳоров. 1989 йил 28 март».

ХОТИМА ЎРНИДА: Уч полковник тақдири билан боғлиқ суҳбатга шу ерда нуқта қўйса ҳам бўларди. Лекин Тожихонов иши билан боғлиқ яна бир воқеага эътиборингизни тортамиз.

Сунъий дунёга келган «жиноий иш» 1987 йил 23 февралда республика Олий судида И. Е. Жуков раислигида кассация тартибида кўриб чиқилиб, унинг бирон нуқтасида «хато» топишмади. Лекин ана шу жараёнда — «жиноятчини қидир-қидир» пайтида, терговчининг нўноқлиги билан қонунга ҳилоф равишда ишга тиркаб юборилган 41 дона (2 минг 50 сўмлик) 3 процентлик заёмнинг ярмидан кўпи (1 минг 50 сўми) «адолат кошонасида» сирли равишда ғойиб бўлди. Энди эса «ўғрини топ!» операцияси бошланди... Бу иш бўйича республика прокуратураси алоҳида жиноий иш очганига қарамай, «ўғри йўқ», жавоб берувчи ҳам йўқ, терговчи Савиновских ҳамкасблари Лаптев, Логинов ва бошқалар каби «ўз бурчини» бажариб, республикани аллақачон тарк этишган. Уларнинг айримлари энди бу соҳа билан умрбод хайрлашиб бўлишди, уларнинг изини ҳам топиб бўлмайди. Адвокат «Тожихоновлар оиласига етказилган 30 минг 500 сўмлик моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъвони судга тақдим этди. Лекин Тожихонов унга тузатиш киритишни талаб қилди: «Товон давлат ҳисобидан ундирилишига рози эмасман, уни шахсан айбдорлар — терговчи ва судья чўнтагидан тўласин!» Қаҳрамонова тегишли товон бундан ҳам ошса ажаб эмас, у тўрт йил ётган ахир, мансаби ҳам юқори бўлган — министр ўринбосари... Республикада сўнгги уч-тўрт йил ичида ноҳақ қамалгани учун оқланганлар 500 кишидан ошиб, уларга тўланган товон 1 миллион сўмга етди.

Фақат Тошкент шаҳар суди сўнгги пайтда прокуратура ходими Б. Маннонов, Шаҳдиев, Хохлова ва бошқаларни оқлаб, суд залидан озодликка чиқарди. Лекин улар тақдирига ўчмас тамға босган О. Гайданов, Артомонов, Лаптев, Овсенюкларга қандай чора кўрилди? Улардан бири — судья А. Овсенюк тақдири билан қизиқиб Тошкент шаҳар суди раисининг эшигини очдик: қай кўз билан кўрайликки, раислик ўринларида... А. С. Овсенюк унинг вазифасини бажариб турибди!

Бир томонда ҳамон ҳукмлар ўқилмоқда. Ҳаёт борки, ҳукмлар бўлиши табиий. Лекин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан ўқилган ҳукм устидан ҳукм ўқиш осонми? Қонунбузар унга осонлик билан қўл урадими? Демак, ҳар қандай ваколатнинг ҳам чеки бор: олдинда вақт ҳукми бор! Ундан қочиб қутилиш ҳеч кимга ва ҳеч қачон насиб этмаган.

Шундай ҳукмга бош эгамиз!..

[Давоми. Бошқа газетанинг ўтган сонида].

М. М. МУҲИДДИНОВ

Партиянинг содиқ фарзанди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Мўмин Муҳиддинович Муҳиддинов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1989 йил 27 апрелда вафот этди.

У ўзининг бутун ҳаётини Ватанга, Коммунистик партия ишига бағишлади. М. М. Муҳиддинов 1941 йилнинг декабрь ойидан бери партия аъзоси эди.

Мўмин Муҳиддинов 1914 йилнинг 14 февралида Қўқон шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини Қўқондаги «Бирлашган» артелида ишлашдан бошлади. Мактаб директори, Ўзбекистон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири бўлиб ишлади.

1942—1943 йилларда Сталинград фронтидаги жанг ларда қатнашди. оғир ярадор бўлди. Даволанганидан сўнг тинч меҳнатга қайтди.

М. М. Муҳиддинов 43 йилдан кўпроқ раҳбарлик ишларида бўлди, ана шу муддатнинг ярмидан кўпроғида Фарғона областининг бир қанча район партия комитетларида, Марғилон шаҳар партия комитетида биринчи секретарь лавозимида ишлади. У ҳамма жойда ўзига хос ғайрат ва садоқат билан меҳнат қилди. Меҳнаткашлар орасида катта обрў қозонди.

М. М. Муҳиддиновнинг ижтимоий ва меҳнат фаолияти Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. У икки марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги орденлари, медаллар билан мукофотланган, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига сазовор бўлган.

М. М. Муҳиддинов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб бир неча бор сайланган эди.

Мўмин Муҳиддинович Муҳиддиновнинг ёркин хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ ҒАЛАБА

Мухлислар ниҳоят тўпларга бой учрашувнинг шоҳиди бўлдилар. «Пахтакор» футболчилари «Кузбасс» коллективини қабул қилиб, дарвозага учта жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлишди. Ўйин бошида Р. Мухадов ҳисобни очган бўлса, 22-минутга борганда М. Қосимов дарвозани аниқ нишонга олди. Учрашув тугашига яқин А. Дўрмонов ғалабани мустаҳкамлади. Шундай қилиб, пахтакорчилар байрам арафасида ишқибозларни мамнун этишди. Командамиз очколарини олтитага етказиб, уч поғона юқорига кўтарилган ҳолда мавқеини бироз яхшилади.

Олтинчи тур ўйинларида эса бокулик футболчиларнинг омадлари келиб, ўз майдонларида «Нистру» коллективидан устун (3:1) келишди. Бу ғалабадан кейин «Нефтчи» 9 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. «Фақел» ҳисобида ҳам шунча очко тўпланди. Бу коллектив сафарда «Шинник» дарвозасига биргина тўп киритиб, зафар қўчди. «Қайрат» футболчилари эса мавсум бошидан бери мағлубиятсиз ўйнаб пешқадамлик қилаётган пойтахт армиячиларини доғда қолдиришди. Армиячилар 2:1 ҳисобида енгилиб, илк бор мағлубият аламини тортдилар. «Қайрат» эса 8 очко билан бешинчи ўринга кўтарилди.

Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Металлург» — «Котайк» — 1:0, «Спартак» — «Таврия» — 1:1, «Динамо» (Бт) — Карпати» — 1:1. «Кубань» — «Даугава» — 1:1, «Геолог» — «Ростсельмаш» — 2:0.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

30 апрель соат 20.00 да, 1—2 май соат 16.00 ва 20.00 да

«ЁШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ» КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ГИЁС БОЙТОЕВ
Бешинчи республика қўшиқчилар конкурси дипломанти
Юлдуз АБДУЛЛАЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Зиёда МАДРАҲИМОВА, Назриддин ШЕРМАТОВ, Одил КАМОЛХЎЖАЕВ.
ПРОГРАММАНИ олиб борадилар: Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАМАДХЎЖАЕВ.
Постановкачи-режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.
Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ДАЛА ҲОВЛИ ЭГАЛАРИ УЧУН

ГОССТРАХ ИМОРАТЛАР ВА МОЛ-МУЛКИНГИЗНИ КОМПЛЕКС СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

Дала ҳовлимиздан бир